Оила - ҳаёт силсиласида инсоният яратган энг боуқ кашфиёт. У асрлар давомида ривожланиб, бугунги кунда жамиятнинг мукамал бир бўғинига айланган.

Оила соғлом ва мустақамлигида ундаги аъзолар жисмонан, руҳан ва маънавий жиҳатдан соғлими муҳим аҳамият касб этиб, эртанги келажак авлод баркамоллигини таъминлайди.

НАҒАҒА ВА МОДДИЙ ЁРДАМНИ КИМЛАР ОЛИШИ МУМКИН?

Усубжон АҲМЕДОВ,
Бюджетдан ташқари
Пенсия жағмармаси тумани бўлими бўлими.

2020 йилнинг 1 октябридан кам таъминланган оилаларга давлат томонидан бериладиган нағфа ва моддий ёрдам пулларини тайинлаш ишлари Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасининг туман бўлимига ўтказилиб, ушбу тизимга замонавий ахборот-коммуникацияларини қўллаш жорий этилди.

Нағфа ва моддий ёрдамлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги 308-сонли қарорига асосан амалга оширилади. Қарорнинг Вақтинчалик низомига асосан бола икки ёшга тулгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалар бўлган оилаларга нағфа, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам таъинлаш ва тулаш тартибини белгилайди. Бола парвариши бўйича нағфани тайинлаш ва тулашга оид қисмининг амал қилиши нағфанинг мазкур турини тулаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ташкилотларнинг маблаглари ҳисобига амалга ошириладиган

ташкилотларда ишлайдиган оналарга татбиқ этилмайди.

Туланадиган болали оилаларга нағфа, бола парвариши бўйича нағфа ва моддий ёрдам миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади. Болали оилаларга нағфа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нағфа эса 12 ойга таъинланади, бироқ бола икки ёшга тулган ойдан ортиқ эмас.

Агар туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ бола парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нағфа кичик бола икки ёшга тулгунга қадар бир баравар миқдорда туланади.

Шунингдек, болали оилаларга нағфа, бола парвариши бўйича нағфа ва моддий ёрдам таъинлаш ва тулаш тўғрисидаги қарор Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмармасининг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими томонидан умумлаштирилади ва шакллантирилади. "Ягона реестр" АТ томонидан кам таъминланган деб белгиланган оила ижтимоий нағфага ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга. Болали оилаларга нағфа,

бола парвариши бўйича нағфа ва моддий ёрдам жами даромад белгиланган даврда белгиланган оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг ўртача ойлик 1,5 миқдорида ортиқ бўлмаган миқдорда тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадга эга бўлган оилаларга таъинланади.

Мазкур қарорга асосан, болали оилаларга нағфа, бола парвариши бўйича нағфа ва моддий ёрдам Вақтинчалик низомада белгиланган тартибда ариза берувчи муружаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб туланади.

Бола парвариши бўйича нағфани кейинчалик олишга муҳтож бўлган, уни олган шахс тўловнинг олдинги 12 ойлик муддати тамом бўлишидан бир ой олдин ушбу нағфага бола 0,2 ёшга тулгунга қадар танаффусиз туланиши давом эттирилиши масаласини ҳал этиш учун аризани белгиланган тартибда такордан бериш ҳуқуқига эгадир. Бунда болали оилаларга нағфа ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда таъинланган ижтимоий нағфани тулашининг муддати тамом бўлаётган ойдан кейинги ойда берилган. Такороти муружаатларини қўриб чиқиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

КРЕДИТ УЧУН ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТ

Мирзохид ТҶИЧИЕВ,
вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари.
Тимур ХАЙИТБОЕВ,
вилоят ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи.

Одамлар иш битириш учун нималар қилмайди-а. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишларга қўл урилади. Кредит дўконидан январь ойида 2229-сонли шартнома асосида 19 миллион сўмлик 2 та кир ювиш машинаси, 4 та телевизор олиб, пулини ноябрь ойигача туламай юрган Махлохат Жақбаров ва антиқа йўл тоналлардан бири бўлиб чиқди. Тергов жараёнида аниқланишича, у муқим иш жойига эга эмас. Аммо кредитга кир ювиш машинаси ҳамда телевизор олиш учун Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тугруқ комплексига ишлаши ҳамда иш ҳақлари тўғрисида маълумотномани қўлга киритган. Кафилилик учун ўлгига ҳам ўша ердан ҳужжатлар олган экан.

ҲЕЧ БИР ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

Бу маълумотномаларни Ханифа Маллабоева, Жамила Ўринова, Носиржон Усмоновлар жинойий тил бириктирган ҳолда тайёрлатишган. Бунинг учун Махлохат Жақбаровга 500 минг сўм тулган.

Ханифа Маллабоева Қайомбой Хайитов номига ҳам 500 минг сўм эвазига ана шундай ҳужжатларни тайёрлатиб берган. Қайомбой февраль ойида 9 миллион 214 минг сўмлик минипец, кир ювиш машинаси ва телевизорни кредитга олади-ю пулини туламаддан қочиб юради.

Бундай маълумотномаларни Расул Қўқороров номига ҳам тайёрлатиб берилган.

Дастлабки тергов жараёнида шартнома ҳужжатлари, қалбаки иш ҳақи маълумотномалари асосида "PARTNER KM" МЧЖдан жами 37 миллион 19 минг сўмлик мулкни қўлга киритишгани аниқланган.

Фирибгарлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168 ва 228-моддаларининг тегишли бандларига асосан қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

«ОҚИБАТЛИ» ЎҒРИ ҚЎШНИЛАР

Илҳомжан РАҲМАНОВ,
вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори.

Ҳамидулло КАМОЛОВ,
туман ИИБ хузуридаги ТБ бошлиғи, капитан.

"Водий" деб номланган ошхонага тамадди қилиш учун ҳар хил одамлар келади. Аксарият хўрандалар энгги машинасини шу атрофга қўйганча ошхонага кирадилар. Собитали Хўжамов ҳам 28 октябрь кун "Жигули" сини ошхона олдига қўйганча шерги билан ичкарига киришни лозим топди.

"Қорин тўйди - гам кетди" дейишганда автоулов ёнига келишиди. Қарасаки, автомашина орқа юкхонаси очилиб қолибди. Хайринсо Хўжамовга тегишли аёллар кийимлари солинган халта ўғирланибди. Ён-атрофда юрган хизматкорлардан сўраб-суриштирилди. Ҳеч ким қўрмади. Хайринсо зудлик билан ички ишлар бўлимига муружаат этди.

Яхшиямки ошхона ҳудудида камералар бор экан. Ички ишлар ходимлари ўғирликни тезкорлик билан очишларида ана шу камералар қўл келди. Ўғирлик бошида 1987 йилда туғилган Адҳам Солиев турган экан. У умумий нархи 2 миллион сўмлик аёллар кийимларини Расул Турсунов, Ҳаким Ҳошимовлар билан уюшган ҳолда ўғирлашганлигини яшириб ўтирмади. Учовлон бир кўчада яшовчи қўшнилар экан. Буюмларни арзон нархда сотиб юборишибди. Нима, беллари оғриб топишибди? Машақта пули етса бўлди-да. Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари важдарни харид қилиб олган фуқароларни ҳам топди. Буюмлар 10 ноябрь куни ўз эгасига қайтарилди.

Ҳар соҳада, жумладан ўғирликда ҳам бир-бирларини унутмовчи "оқибатли" ўғри қўшнилар Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликлари учун тегишли жазоларини олишди. Бу галги ўғирликларни қимматга тушиди қўшниларга.

"Ўғри узоқдан келмайди" деган ҳикमतомас гап бежизга айтилмаган экан. Негаки Адҳам Солиев кўниси Собитали Хўжамов тижорат билан шугулланувчи хотинининг буюмларини бозорга олиб бориб, олиб келиб юришидан яхшигина хабардор бўлган. Машинани кўчада қаровсиз қолдириб кетишгани айти мудоао эди улар учун. Буюмларни осонгина ўмаришган.

КАЙФ КЕЛТИРГАН ҚУЛФАТ

Раҳмонжон АБДУЛЛАЕВ,
туман прокурорининг ёрдамчиси.
Жасурбек ХАЙИТБОЕВ,
туман ИИБ ТБ суриштирувчиси, лейтенант.

Улар яқин танишлар эди. Аммо спиртли ичимлик таъсирида бир-бирларини танимай қоладиган даражага келишганди. Айниқса, 1986 йилда туғилган Шерали Мама-раимовнинг кўзига ҳамма нарса ёмон кўринар, кўнглига ҳеч нима ёқмасди.

Балиқхонадан қий-чув билан чиққанди. Мулкбодда улардан бошқа одам йўқдек ҳаракатланяшарди. Жамиятда юриш-туриш қодаларини қасддан менсимасдан уятли сўзлар билан сўқинишар, бир-бирларига хунук қилиқлар қилишарди. Уларга тўсатдан пешовз чиқиб қолган Анвар Азизовни тўхтатишди. Ҳеч қандай сабабсиз равишда жанжал чиқаришди. Уни қўл ва оёқлари билан уриб, дўппослаб, жиддий тан жароҳати етказишарди.

ҲЕЧ БИР ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

Кайфликдан шерга айланган Шерали уч нафар улфати билан маҳалладоши Анварга оғир тан жароҳати етказиб, Жиноят кодексининг 277-модда 2-қисми "б" бандида назарда тутилган безорилик жиноятини содир этганликда айбланди. Яхшиямки, битта маҳаллада яшашади, битта мактабда таҳсил олишган. Ҳар кун кузлари қўзларига тушади. Бегона, ёки умуман нотаниш кимса бўлганида, янаям оғирроқ жароҳат етказишармиди?

Маҳалла фуқаролар йиғинига бу масалада тақдимнома киритдик. Ажамбас, судланган безори йигитларнинг шармандаларча қилган хатти-ҳаракатлари атрофлича муҳожама этилиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича аниқ амалий чора-тадбирлар кўриلسа...

ҲАМШИРА СУД КУРСИСИДА

Ривожиддин МИРАБДУЛЛАЕВ,
туман прокуратурасининг ёрдамчиси.

Алиёр ҚУРОЛОВ,
туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили.

Пандемия даврида ҳар қандай бемор ёки касалликка гумонланувчи кишига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш барча тиббиёт ходимларидан талаб қилинмоқда. Жумладан ҳамширалардан ҳам.

Лекин тугруқ таътилда бўлган ҳамшира Санобар Юлдшева соат 16:50 ларда унга муружаат этган кўниси-нинг воёга етмаган фарзандига тиббий ёрдам кўрсатади. Врачлардан маслаҳат сўрамайди. Ҳатто шифокорнинг ёзма тиббий муолажа тавсиясини сўрамайди ҳам. Даволашни тиббий қонун-қоидаларга зид равишда амалга оширган сабаб бемор уйга кетаётми, йўлда вафот этган.

Суд ушбу масала муҳокамасида Санобар Юлдшевани ЖК 116-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди.

ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465, 466-468, 471-моддаларини қўллаб суд ҳақми эълон қилинди. 3 йил муддатга озодликдан чеklang жазоси таъинланди ҳамширага.

ХИЗМАТ ИТЛАРИ - КЎМАҚДОШ

Илёс ЭРГАШЕВ,
вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати бўлими бошлиғи, катта сержант.

Акмал ҲОШИМОВ,
туман ИИБ қошидаги ППХ ва ЖТСГ кинология хизмати кичик инспектори.

Яратиб берилётган шарт-шароитлар биз, кинолог ходимларни ҳар қачоннидан-да юксак масъулият билан ишлашга руҳлантирмоқда.

Бўлимимиз инструктор кинологи, сафдор Робиддин Маврулов ўзига бириктирилган «Молик» лақабли хизмат ити билан самарали иш олиб бормоқда. Ит кумга билан ушбуни ҳудудда содир этилган жиноятларни фош этиш борасидаги самарали фаолияти учун муносиб тақдирлангани бежиз эмас.

Айни пайтда вилоят ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш максатида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда иш юритилмоқда. Пийда-патруль йўналишларига кинолог ходимларини хизмат итлари билан жалб этилаётганлиги бесамар кетмаляпти. Бу билан содир этилиши эҳтимоли бўлган жиноятларнинг олди олинати, содир этилганлари эса барвақт фош этиляпти.

ЁШЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Адҳамхўжа ИСМАИЛОВ,
туман прокурори ўринбосари.

Мамлакатимизда сиёсий барқарорликни таъминлаш, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини асраш ушбу вазифалардан биридир. Амалга оширилаётган ишохотларнинг ишончли гарови сифатида юрт тинчлиги ва осойишталигининг ўрни беқисс. Шу боис, маҳаллаларда, ҳар бир оилада ижтимоий-сиёсий вазиат, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Ёшларга диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг гайринисоний ва маърифий исломга зид моҳиятини фоти аниқ далиллар билан тушуништириб, бундай оқимларнинг динни никоб қилиб, ноқонуний мақсадлари тўғрисида тушуначал бериб бориш, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимиз

ни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орсуси туради.

Ироқ ва Шом Ислмо давлати деб номланган террорчи гуруҳлар томонидан асли ислом дини таълимотига мутлақо тўғри келмайдиган ҳаракатлар содир этилаётгани, ўз атрофига дунё қарашни тор, гўр кимсаларни туретгани ва улар томонидан қилинаётган хунрезликлар барчамизга равшан.

Афсуски айрим ёшлар ҳою-ҳавасга алданиб, жинойий тўдаларнинг ваъдаларига ишониб, аввалгига оҳанрабодек ўзига тортадиган, кейин эса сароб бўлиб чиқадиган пун ваъдаларга билиб-билмай эргашмоқдалар.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларни турли интернет сайтларидаги бузғунчи гоёлар гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш, "ом-

мавий маданият"нинг салбий таъсиридан сақлаш, бу борада "Оила - маҳалла - таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмини кучайтириш, ота-оналар, айниқса, аёл-онанинг фарзанд тарбияси борасидаги масъуллигини ошириш, тушунтириш-тарғибот ишларини изчил ва таъсирчан тарзда олиб борилиши лозим.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай омилга қарши тура олиш, оғоҳулар ва хушёрликни ошириш, қонулар, тартиб ва қодаларга асосан яшашга одатланиш, ҳар бир фуқаро чуқур мулоҳазали бўлиши зарур.

Бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган терроризм ва диний экстремизмнинг салбий ва зарарли оқибатларидан ёшларни, бутун аҳолини оғохлантириш, уларнинг таъсир доирасига тушиб қолмаслик чораларини кўриш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи лозим.

НОҒРИН БАҲОНА

Муҳаммадшариф ЁҚУБЖОНОВ,
туман ИХҚҚФ матбуот ва ахборот мутахассиси.

Азамат Султонов хорижда ишлаб, мўмай пул толиб келишни орзулайди. Жомашўй шаҳарчасидаги авиакассадан "Наманган-Москва" йўналишига чипта харид қилган шу ниятда.

Аммо қандайдир сабаб билан самолёт умдади айтилган кун. Азамат шунинг учун чипта пулини қайтариб олиш мақсадида авиакассага борди. 8 ой қатнади. Ҳар гал турли сабаб. Охири бизга муружаат этишга мажбур бўлган. Ходимларимиз аралашуви билан 1 800 минг сўм пул унга қайтарилди.

Азамат самолётда учолмагани бор гап. Лекин чипта пули ҳавога учиб-га бир баҳя қолганди. Аммо ҳалол эканки, кеч бўлсаям фарзандларининг ризқини қайтариб олди.

Шукурулло ОМОНУЛЛАЕВ,
туман ФВБ Норматив-техник бўлими бошлиғи.

Туманимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кенг қўламда олиб боришмоқда. Қурилаётган уй-жой ва иқтисодий объектларининг узоқ йиллар хизмат қилиши учун мустаҳкамликка, ёнги хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қурилиш объектилари учун ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган тадбирлар тўлиқ бажарилиши турли фавулодда ҳолат ва ёнгилар содир бўлишининг олдини олишни таъминлайди.

14 НАҒАФ ХОДИМНИНГ ҲУҚУҚИНИ ТИКЛАДИК

Дилшод АШИРАЛИЕВ,
туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

Шундай ташкилот ва муассасалар раҳбарлари борки, ўз қўл остидаги ходимларнинг ҳақ-хуқуқларини билгани ҳолда амалда уларга риюа этишмайди. Айниқса, таътилга чиқишгани

Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,
Қаҳрамон НИЗАМОВ,
вилоят ўсимликлар карантин худудий инспекцияси инспекторлари.

Цитрус оққанот деб номланган ҳашарот Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари тарқалиб улгурган. У цитрус ва субтропик ўсимликлар учун жуда ҳам зарарли ички карантин зараркунанда ҳисобланади.

Асосан цитрус ўсимликлари (лимон, апельсин, мандарин, трифоллат)да ривожланади. Чой, хурмо, нарсарин, дафна, жасмин, камфара, гардения, лигуст

ҚУРИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК

Қурилиш ишлари давомида ишчи хизматчилар махсус кийим-бош билан таъминланиши, қурувчилар ёнги хавфсизлиги бўйича сўбатдан ўтказилиши, қурилиш майдонлари 2 м баландликдаги девор билан тўлиқ ўралиши ва ҳудуднинг ёритилиши, газ ва электр пайвандлаш ишларида носоз аппаратлардан фойдаланишга йўл қўймаслик, мутахассисликка эга бўлмаган шахсларга пайвандлаш ишларини топширмаслик. Бундай

жойларда бирламчи ёнги учирлиш воситалари билан таъминлаш, пайвандлаш ишлари олиб бораётган пайвандчилар электрод қолдиқларини йиғишлари учун металл қутилар билан таъминланиши шарт.

Ишчи, хизматчиларга овқат пишириш учун оқиқ оловдан фойдаланишга йўл қўймаслик керак. Овқат пишириш жойларини ёнмайдиган материаллардан қилинган тўсиқлар билан ўраш, вақтинчалик электр симларидан фойдаланишга йўл қўймаслик ҳамда электр розеткаларни ёғоч материаллардан ўрнатмаслик зарур.

ҲАМДАРДЛИК

Туман ҳокимлиги, «Мингбулоқ» газетаси тахририяти туман прокурори Муҳаммадхон Жўраевага онаси

Лобжон оянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Туман ҳалқ таълими бўлими, «Мингбулоқ» газетаси тахририяти 10-мактаб фахрий ўқитувчиси

Тиркашали Исомиддиновнинг
вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси, «Мингбулоқ» газетаси тахририяти етук жарроҳ-шифокор

Исмом Раҳмоннинг
вафоти муносабати билан марҳумининг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Туман ИИБ, «Мингбулоқ» газетаси тахририяти соҳа фахрийси

Лутфулла Ёқубовнинг
вафоти муносабати билан марҳумининг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Жаҳонгир БАҲОДИРОВ,
туман давлат статистика бўлими етакчи мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрь кунги қарори билан Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари ўтказилиши белгиланди.

Мазкур қарор билан тегишли Низоми ва аҳолини рўйхатга олиш жараёндарига жалб этиладиган шахсларга ҳақ тулаш тартиби ва миқдорлари тасдиқланди. Синов тартибига аҳолини рўйхатга олиш 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари республикамизнинг 4 та тумани (Хўжабод, Юқори Чирчиқ, Хива ҳамда Яшнобод)да ўтказилади.

ЯНГИ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТ

Камолитдин ТУРДАЛИЕВ,
туман давлат хизматлари маркази директори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 августдаги "Архив иши ва иш юришти ҳоҳсида давлат хизматларини кўрсатишининг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинганидан хабардоримиз. Унда иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномасини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланган. Ҳозирда ушбу хизматларни кўрсатиш жорий этилди.

Жисмоний шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари (эри ёки хотини, фарзандлари, неваралари, ака-ука ва опа-сингиллари) маълум ташкилотда ишлаган давридаги иш ҳақига оид ва ишлаганлиги тўғрисидаги иш стажига оид маълумотномани давлат хизматлари марказидан олишлари мумкин.

МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ

Абдубанно ОЛИМОВ,
хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрияти даражасига кўтарилиб. Барча давлат идоралари фаолиятда инсон манфаатларини таъминлаш учун, энг аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини қаноатлантиришнинг мулоқо анги тизими яратилган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлаш ана шулардан биридир. Асос солинган янги тизим ижтимоий адолатни таъминлаш билан бир вақтда, халқнинг давлат

Аҳолини рўйхатга олиш муддати 2022 йилдан 2023 йилга кўчирилишига бир қанча омиллар сабаб бўлган. Жумладан, мустақиллик йилларида республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тартиби илк бор ўтказилаётганлиги, тадбир кенг қўламли, кўп вақт ва катта маблаг талаб этгани учун тайёрларлик ишлари ҳам 2-3 йил талаб этилади.

Шунингдек, бугунги кунда кўпгина давлатлар қатори мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли аҳолини рўйхатга олиш тадбирига пухта тайёргарлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш юзасидан халқаро ташкилотлар билан амалга оширилиши лозим бўлган келишувлар ортага сурилганлиги инобатга олинган.

ШУКУРУЛЛО ОМОНУЛЛАЕВ, туман ФВБ Норматив-техник бўлими бошлиғи.

Туманимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кенг қўламда олиб боришмоқда. Қурилаётган уй-жой ва иқтисодий объектларининг узоқ йиллар хизмат қилиши учун мустаҳкамликка, ёнги хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қарати



ЖОРИЙ ЙИЛ ҚУВОНЧИ-Ю ЯНГИ ЙИЛГИ ОРЗУЛАРИМ

2020 йил мамлакатимиз ҳаётида, барча соҳа ҳамда ўйналушларда чинакам бўрилиш ва юксалиш йили бўлди. Президентимиз Ш. М. Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон миллий тараққиётида янги давр бошланганлигини нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги чуқур ҳурмат билан эътироф этмоқда. Чиндан ҳам ортда қолаётган йил мамлакат миқёсида улкан ислохотлар йили, янги бир ўйновил даври - Учинчи Ренессансга мустақам пойдевор яратилган йил сифатида ёдда қолади, албатта. Бўсадада 2021 йил. Инсон борки, Янги йилдан ўзи яшаётган жамияти, оиласи, униб-ўсаётган фарзандлари учун бир ёруғлик устаиди. Барчасининг рабон ва нурафшон йўли янада зиёга тўлишини, юрт, эл оғири енгил бўлишини чин дилдан ниёз қилади.



ШУКРОНА КЕЛТИРГАН ҲОЛДА ЯШАЯПМАН

Абдумажит РАЙМОВ,
Жомашўй шаҳарчасида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси.

Ўзбекистонимиз халқи Иккинчи жаҳон урушида Ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшганлигидан янги хабардориман. Оловли уруш йилларида «Ҳамма нарса - фронт учун», «Ҳамма нарса - Ғалаба учун» деган ҳаётий эътиқод билан яшадик. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустақам таъминот базасига айланган. Уруш ўчоқларидан юртимизга 1,5 миллион киши, жумладан, 250 минг нафардан зиёд бола эвакуация қилинган экан.

Расмий маълумотларга кўра, 1 миллион 400 мингдан ортиқ ўзбекистонлик, жумладан, 79 минг нафардан зиёд наманганлик, 1650 нафар мингбулоқлик ҳамюртларимиз урушда қатнашган. Мингбулоқликлардан 632 нафари жанггоҳларда ҳалок бўлган, 86 нафари бедарк йўқолган. Лекин фашизмга қарши курашда мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юрtdошларимизнинг хотираси абадий яшашмоқда.

Инсоният тарихида энг даҳшатли уруш тугаганига 75 йил тўлди. Бу санани нишонлаш мингбулоқлик уруш фахрийларидан фақат ўзимгагина nasib этди. Президентимиз, вилоят ва туман ҳокимликларидан бутун халқимизнинг иззат-икромини ҳис этдим. Шукрона келтирганча яшар эканман, умримнинг охиригача ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун панд-насиҳатларимни аямайман. Доимо дуодаман. Илоҳим, халқимизнинг бахтига урушнинг номи ўчсин дунёда!

ТИНЧ-ОСОЙИШТАЛИККА НЕ ЕТСИН

Соҳиба АКБАРОВА,
туман ИИБ Тергов бўлимининг сурштирувчиси, капитан.


Туманимизда ҳуқуқни муҳофаза қилишга онд ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юрйтилмоқда. Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, очилмай қолган жиноятларни фож этиш, терговнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғибот ҳамда профилактика ишларини кучайтириш каби масалаларга жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Бу жараёнларда мен ҳам баҳоли қудрат қатнашман. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ИИБ томонидан

дан фахрий ёрликлар билан тақдирланганим бурчимга бўлган иштиёқни янаям алангалатиб юборди. Бўлинмамиз ходимлари билан биргаликда зиммамиздаги юксак масъулиятни теран англаган ҳолда соҳада юқори натижаларга эришиш учун бир оила фарзандларидек астойдил меҳнат қилдим.

Оиламизда Санжарбек ва Сардорбек ўғулларимни давр талаблари даражасида камолга етказдим. Истиқболда улар ҳам биз, ота-оналари каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари сафидан ўрин олишларини ниҳоятда хоҳлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимизни, туманимизнинг барча аҳлини Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.



СОҒЛИК ЭНГ КАТТА БОЙЛИКДИР

Дилбархон БЎТАЕВА,
туман тиббиёт бирлашмаси Тез тиббий ёрдам бўлими врачиси.

«2020 йил Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун мислсиз синов, айни вақтда изчил ривожланиш, янги тажриба орттириш йили бўлди». Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг бу гаплари бежиз айтилмаган.

Бутун дунё, жумладан, халқимиз ҳам тождор вирус пандемиясига дучор бўлди. Ҳамкасбларим қатори бу кўринмас ёвга қарши курашда мингбулоқлик шифокорлар ҳам четда қолганимиз йўқ. Қасамёдимизга содиқ ҳолда фаолият юрйтилди. II даражали «Саломатлик» ордени билан тақдирланганим ана шу меҳнатларга берилган деб ҳисоблайман. Камтарона меҳнатчи Президентимиз томонидан муносиб тақдирланишидан бошим осмонга етди.

Қизимни турмушга беришимдаги шодликларим ордени олишдаги қувончларимга уланиб кетди. Жорий йилда эришган натижаларим учун берилган мукофот мени янаям астойдил ишлашга руҳлантarmoқда.

Ҳадемай бошладиган 2021 йил учун мўлжаллаётган орзуларим ҳам катта. Бунинг учун тиббиётдаги илгор тажрибалар, устозларимнинг панд-насиҳатлари асосида гайрат-шижоат билан ишлашим, бутун куч-салоҳиятимни одамлар соғлигини сақлашга қаратишим зарур. Эзгу ниятларимиз пок эканки, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган вазифаларни сўзсиз уддалаймиз.



АНГЛАДИМКИ, МЕҲНАТНИНГ ТАГИ - РОҲАТ

Сардорбек ТУРСУНБОЕВ,
«Интер тола Мингбулоқ» фермер хўжалиги раҳбари.

Илк бор Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини нишонлаш - ҳаётимдаги энг муҳим янгиликлардан бири. Байрам муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимларига йўналган Табригини қалбим чексиз фахру гурурга тўлганга ўқидим.

Асли касбим - бўҳгалтер. Лекин бу йил пахта тағйёрлаш реҳасини баҳармаган фермер хўжалигининг 29 гектар ер майдонини тендер асосида қўлга киритганимда, дастлаб чўчидим. Аммо омиқдор деҳқонларнинг маслаҳатлари асосида иш юртидим. Туманимизнинг 39 минг тонналик улкан

ҳирмонига 90 тоннадан зиёд юқори сифатли пахтаимиз билан ҳисса қўшиб, шартномавий режани биринчилар қатори уддаладик. Рентабеллик 30,5 фоиздан ортди.

Яна бир қувонarli нарса - яқунла-наётган йилда оила аъзоларимиз сифати тагин бир нафарга кенгайди. Эрта Баҳордан буён агроасаноат тизимида астойдил меҳнат қилиб, пешона тери эвазига топишган даромадимизимиз ҳисобига турмуш курдик.

Янги йилдан умидларим катта. Фақат пахтачилик билан шуғулланибгина қолмаймиз. Кўп тармоқли илгор фермер хўжаликлари сафидан ўрин олиб, юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ошувиға муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.



Зокиржон ТУРФУНОВ.

Опоқ қорлар, ёваверинг,
оппоқ қорлар,
Остингизда қолиб кетсин
оҳу-зорлар.
Хазонларин ёлиб ташланг,
чириб кетсин,
Қуриб кетсин севгиси-ю
зар-у зорлар.

Сўқмоқларни ёлиб
ташланг, тополмайин,
Келин кетган томонларга
чополмайин.

Кўзларимни қамаштиринг,
боқолмайин,
Юрагимга армонларин
тақолмайин.

Адаштириб қўйинг мени
муҳаббатдан,
Адаштириб қўйинг
мени қиёматдан.

Ёлиб ташланг, ёқиб
ташланг, гўссаларим,
Ёлиб ташланг, ишқ кўйдирган
жўссаларим!

Опоқ қорлар, ёваверинг,
оппоқ қорлар...

ФУСНҚОР ФАСЛ



Раҳима ЖўРАЕВА.

Деразамиз ёнидан
Қайси расом ўтибди?
Ойнамизга сўзана
Расмин чизиб кетибди.

Арчаю тол, гул раъно -
Суратлари бор эмиш,
Ипаклари оқ харир,
Товланади нақд қумуш.

Тонгда боқиб, термулиб,
Тахсин айтдим: «Жуда зўр!»
Жилмайдю қўёш ҳам
Деразадан сочди нур.

Ойнадаги сўзана
Жимирлади кўз олиб.
Қараб тұрсам ипаги
Йўқ бўлди, эҳ, чўвалиб.

Билсам расм-сўзана
Қировнинг сеҳри экан.
Ипагини чўватган
Қўёшининг меҳри экан.

Зарнигор КАМОЛОВА.

Дардларим кўмилиб
кетсин кафтингда,
Ичимни ёндирган
аламларим бор.

Юракнинг ҳовирини
босиб тафтингда,
Беармон ёғиб бер,
ёғқин, оппоқ қор.

Кўзларим қамашсин
оппоқ рангидан,
Қорага ер юзи бўлиб
қолсин тор.

Безорман, бедорман
юрак зангидан,
Беармон ёғиб бер,
ёғқин, оппоқ қор.

Кўқларга қанотин ёйсин
эс-ҳушим,
Бевафо ортимдан
йивласин зор-зор.

Ўнайдан келмасин
кечаси тушим,
Беармон ёғиб бер,
ёғқин, оппоқ қор.

Самодан заминга
тушган фаришам,
Дунё вужудингдек
бўлсин бегубор.

Ер билан осмонни
боғловчи риштам,
Беармон ёғиб бер,
ёғқин, оппоқ қор!



Мингбулоқ
Муҳаррир
Қосимжон АКБАРОВ

МУАССИСАЛАР:
Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ҳокимлиги
ва «Мингбулоқ» газетаси таҳририяти
Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида
08-0026 рақам билан қайта рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:
160200
Жомашўй шаҳарчаси,
Момохон кўчаси, 4-уй.
ТЕЛЕФОН:
+998 69 452-16-60

Нашр индекси 5026
Баҳоси эркин нарҳда.
Нашрга масъул
Анваржон Худайберганов
«Заковат» наприёт уйи МЧЖда 2550 нусха босилди. Буюртма № 5615
Қорхона манзили: 160300. Қосонсой шаҳри, «Чорбоғ» кўчаси, 17-уй.

Қоғоз бичими А-2.
Бир ойда икки марта чиқади.
Босишга топширини вақти 18:00
Топширилади 17:00

КИТОБХОНЛАР САФИ ОРТАЯПТИ

Дилфуза ЖўРАБОВА,
РМММ туман бўлинмаси раҳбари.

Неча минг йиллардан буён одамларга тўғри йўл кўрсатиб келаётган, билимли, тарбияли, касб-хунарли ва албатта, бахтли бўлишининг муҳим омили, бу китобдир. Унга дўст бўлиш ва китоб ўқишни қанда қилмаслик лозим. Яхши китоб Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, эзгуликка ундайди.

Чордона, Тўпсада маҳаллалари аҳолиси, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича «Экспресс кутубхона» ташкил этилиб, 115 нафар уюшмаган ёшнинг доимий китобхонлар сафига қўшилди.

Утказилаётган маънавий-маърифий тадбирларимиз иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Ота-оналар ўзлари ёқтирган китобларни харид қилиш баробарида фарзандларига ҳам турли бадиий китобларни сотиб олишга ётганидан беҳад мамнунимиз. Шу орқали китобхонларимиз сафига янада ортаётгани кувонарли.

Бундай тадбирлар бундан буён ҳам тизимли равишда давом этади.



маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича «Экспресс кутубхона» ташкил этилиб, 115 нафар уюшмаган ёшнинг доимий китобхонлар сафига қўшилди.

Утказилаётган маънавий-маърифий тадбирларимиз иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Ота-оналар ўзлари ёқтирган китобларни харид қилиш баробарида фарзандларига ҳам турли бадиий китобларни сотиб олишга ётганидан беҳад мамнунимиз. Шу орқали китобхонларимиз сафига янада ортаётгани кувонарли.

Бундай тадбирлар бундан буён ҳам тизимли равишда давом этади.

Бундай тадбирлар бундан буён ҳам тизимли равишда давом этади.

ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

бердик. Конституция кунини эса маҳалла фуқаролар йиғинларидан 20 тасига теннис столи, 20 тасига шахмат-шашка жамланмаларини топширдик.

Фурсатдан фойдаланиб, муқаддам соҳада самарали раҳбарлик қилган, бугунги кунда ҳам турли соҳаларда сидқиқидан ишлаётган Максуда Саидмуродова, Раънохон Ҳолиқова, Мавлуда Раҳимова, Мавжуда Сотқилова каби собиқ ҳамкасбларимизни, валантерларимизни, барча ҳамкорларимизни жамиятнинг юбилеи ҳамда Янги йил муносабати билан қўлаб, жамики эзгуликларни тилайман.

қатъий ўтган 104 нафар маҳбус афв этилган эди. Мингбулоқлик Муҳиддин Холдоров ана шулардан биридир.

Афв этилган шахсларнинг 6 нафари асосий жазосидан тўлиқ озод этилди, 50 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, яна 17 кишининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Шунингдек, 41 нафар шахсга таъинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди. Натижада жами 63 киши жазони ўташ муассасаларидан озод этилган.

Маълум қилинишича, афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 11 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил қилади.

Ҳабарингиз бўлса, мамлакатимиз раҳбари республикамиз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида 113 нафар маҳкумни афв этганди.

Бугунги кунда туманимизда пробацция назоратиға олинган 155 нафар шахс доимий назоратимизда.

ТУМАН ХТБ МУДИРАСИ САЙЁР ҚАБУЛДА

Нур ЗИЁД,
журналист.

5-мактаб туманимиздаги барча халқ таълими тизими раҳбарлари ҳамда ота-оналар билан гавжум бўлди.

Дарҳақиқат, Халқ таълими вазирлигининг 27 ноябрдаги топшириғига асосан халқ таълими тизими раҳбарларининг жойларда сайёр қабулини ўтказиш вазифаси юклатилган. Ана шунга кўра, туман ХТБ мудирини Ҳақиқат Мақсудова ташкиллаган сайёр қабулда юридик ва жисмоний шахслар қатнашдилар. Асосан ўш худудларидаги мактаблар учун қўшимча укув бинолари, спорт заллари қуриш, капитал реконструкция қилиш, иситиш тармоқларини яхшилаш, йўлларга шағал ётқириш, асфальтлаш сингари муаммолар билан муурожаат қилдилар. Уларни ижобий ҳал этиш мақсадида назоратға олинди. Шахсий муурожаатларнинг кўпчилиги шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Қабулда вилоят халқ таълими бошқармаси вакили З. Кийиков ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Баҳромжон СОБИРОВ, туман тиббий ижтимоий хизматлар шўъбаси мудирини.

Мамлакатимизда ўзгалар мададиға муурожаат қилиш давлатимиз томонидан ижтимоий химояға олинганлар. Бу ҳуқуқ Конституцияимизда алоҳида белгилаб қўйилган.

Яқинда ўтказилган Ноғиронлар кунини ана шулар ҳақида уйдилган. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, яқунлаётган йил мубайнида 45 киши махсус аравача, 39 киши эшитиш мосламаси, 29 киши эса қўлтиқтаёқ ва ҳасса билан таъминланди.

Бизга эътибордан яна бири - туманимизда тиббий ижтимоий хизмат шўъбаси ташкил этилгани. Бу билан ҳисобимизда турмуши ноғиронлиги бўлган 200 нафардан зиёд фуқароға ҳар қачонгидан-да кўпроқ аҳамият қаратилади.

Фаолиятимизни тубдан яхшилаш учун ишимизни Низом талаблари асосида ташкил этиамиз. Янги 2021 йилда ноғиронлиги бўлган бирор нафар фуқаро-миз ғамхўрликдан бебаҳра қолмайди.

«ТЎСМА»ДА ДЎҚОН

Тиркашали ТОШПЎЛАТОВ,
жамоатчи муҳбир.

Меҳнатобод - Гулбоғ йўлида «Тўсма» автобекати бор. Ҳаммиша одамлар билан гавжум.

Тадбиркор Эркинали Болтабоев айнан шу ерда дўқон биноси қуриб, янгилашган экан. Давр талаблари даражасида бунёд этилган дўқонда товарлар расталарга дид билан жойланган. Минг хилдан зиёд кийим-кечак ва турли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳава билан боқасан одам.

Нодира Болтабоева миқозларға намунали хизмат кўрсатмоқда. Пандемия даврида қўйилган талабларға қатъий риоя этилган ҳолда иш юритилаётганлиги диққатға сазавордир.

Янги йил байрами муносабати билан харидорлар мамнун этилтипти.

- Биз савдо хизмати кўрсатиш маданиятини янада ошириш, товарлар миқдорини тагин ҳам кўпайтириш ҳаракатидамиз, - дейди тадбиркор.

Газетамизнинг наббатдаги сони
2021 йил январь ойида чиқади.